



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2012 йил 27 июнь, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 126 (12.187)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодиёти, чет эл сармоясини жалб этиш бўйича шакллантирилган қулай шароит ва механизмлари бугун кўплаб мамлакатларнинг юртимиз корхоналари билан фаол ҳамкорлик қилишида муҳим омил бўлмоқда. Буни хориж сармоядорлари билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхоналар мисолида ҳам кўриш мумкин. Пойтахтимизда фаолият юритаётган «Агрихим» масъулияти чекланган жамияти шулар жумласидандир.

Қўшма корхоналар

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ЗАМОНАВИЙ МАҲСУЛОТЛАР

Италиялик шериклар билан ҳамкорликда 1998 йилда ташкил этилган «Агрихим» қўшма корхонаси илғор технологиялар асосида қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган турли пуркагич-чангитгичлар ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. Корхона маҳсулотлари боғлар, пахтазор ва узумзорларни ҳамда бошқа экинларни касалликлар ва зараркундалардан кимёвий химоя қилиш, турар жой ва иншоотларни дезинфекциялаш, чорва моллари ва паррандаларга антибактериал ишлов бериш, темир йўл ва автомобиль йўллари атрофидаги ўт-ўланларни йўқотишда кенг қўлланилади.

Мазкур қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар юқори сифати, халқаро талабларга тўлиқ жавоб бериши ва рақобатбардошлиги билан ажралиб туради. Улар барча зарур сертификатларга эга, ISO 9001:2000 халқаро стандартига мос. Корхона ўз маҳсулотлари билан ички бозорни тўлдирish билан чеклини қолмасдан,

ташқи бозорда ҳам фаол иш юритмоқда. Қатор хорижий мамлакатлардаги буюртмачиларга ўз маҳсулотларини етказиб бераётир. Маҳсулотларга талаб катта бўлгани туфайли корхонада ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга ошмоқда. Мисол учун, 2011 йилда 1 миллиард 250 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 1,5 миллиард сўмдан ошириш режалаштирилган.

Ўттиз киши меҳнат қилаётган қўшма корхона жамоаси асосан ёшлардан иборат. Ишчилар учун барча зарур меҳнат ва дам олиш шароити яратилгани уларнинг ўз ишига нисбатан иштиёқини янада оширмоқда. Корхонада ходимлар малакасини оширишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада хориждан келган мутахассислар иштирокида ўтказилаётган махсус ўқув-амалий курсларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

«Агрихим» қўшма корхонаси нафақат мамлакатимизда, балки хорижда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Алло Абдуллаев (ЎЗА) олган сурат

ўтказилаётган турли кўргазмаларда мунтазам иштирок этиб, ўз маҳсулотларини намойиш қилиб келмоқда. Бу эса янги ҳамкорлар топиш ва буюртмачилар сафини янада кенгайтириш имконини бераётир.

Мамлакатимизда хориж сармояси иштирокида тузилган корхоналарнинг фаол иш юритиши, маҳсулот ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатиши учун қулай сармоявий муҳит, зарур шарт-шароит ва кенг имкониятлар яратилгани, айниқса, кўплаб солиқ ва божхона имтиёзла-

ри берилгани муваффақиятларимизнинг муҳим омил бўлмоқда, — дейди «Агрихим» масъулияти чекланган жамияти бош директори Азамат Йўлдошев. — Мақсадимиз маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш ва экспорт жўғрофиясини кенгайтиришдан иборат. Шу орқали мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг янада раванқ топиши, иқтисодий салоҳиятининг юксалишига ўз ҳиссамизни қўшиш.

Ирода УМАРОВА, ЎЗА мухбири

2012 йил — Мустақкам оила йили

ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ ЗАРУР

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида «Баркамол авлодни тарбиялашда оила ва таълим муассасалари ҳамкорлигини кучайтиришнинг долзарб масалалари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда педагоглар, маҳаллалар фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси М.Хўжамбердиев, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари А.Холбеков, Республика «Оила» илмий-амалий маркази директори ўринбосари Х.Мамадалиева ва бошқалар Президентимиз Ислоом Каримов раҳнамолигида ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, саломатлигини муҳофазалаш, уларга замонавий даражада таълим бериш, миллий анъана ва қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласига устувор аҳамият қаратаётганини таъкидладилар.

Соҳада кечаётган ислохотлар жараёнида таълим сифати ва мазмунини янада юксалтириш, давлат таълим стандартларини давр руҳида мос равишда такомиллаштириш, ўқувчиларни муттасил тарзда касб-ҳунарга йўналтириб бориш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда ёш авлодни мустақил ва соғлом

тафаккур, юксак маънавият соҳиблари этиб камолга етказиш, уларнинг онгу шуурини миллий ҳаёт тарзимизга зид ва зарарли гоёлар, ахборот хуржлари, «оммавий маданият»нинг салбий таъсиридан химоялаш педагоглар, ота-оналар, маҳаллалар фаолларидан янада аҳиллик ва ҳамжиҳатликда фаолият олиб боришни талаб этмоқда.

«Мустақкам оила йили» Давлат дастури доирасида оила, маҳалла, таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустақкамлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Давра суҳбатида ўқувчи-ёшларда умуминсоний қадриятлар, юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантириш, жисмонан соғлом, маънан етук, баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ўрни, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашда оила ва таълим масканлари ҳамкорлигини кучайтириш каби мавзуларга оид маърузалар тингланди.

(ЎЗА)

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида тиббиётда узлуксиз таълимнинг бугунги ҳолати ва истиқболларига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз олимлари ва шифокорлари, шунингдек, Германия, Италия, АҚШ, Австрия ва МДХД мутахассислар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президентимиз Ислоом Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар инсон манфаатларини таъминлаш ва тиббий хизматни жаҳон андозалари даражасига кўтаришда муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидладилар.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан тиббиёт йўналишида малакали мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришга оид меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифалар асосида соғлиқни сақлаш тизимида узлуксиз таълим концепцияси ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилмоқда.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ушбу концепцияни амалга оширишда етакчи ўрин тутди. Мазкур илм-фан ва таълим масканида ҳар йили қарийб ўн беш минг нафар шифокор малака оширади. Юртимиздаги етакчи илмий текшириш институтлари ва ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг

ТИББИЁТДА УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ИСТИҚБОЛЛАРИ

ўқув-амалиёт базаси этиб тайинлангани шифокорларни жаҳон тиббиётининг сўнгги ютуқлари ва илғор технологиялар билан таништириш ҳамда мазкур технологияларни омалаштиришда юксак самаралар бераётир.

Институтда ҳозирги кунда узлуксиз таълимнинг кундузги ва масофадан ўқитиш услублари жорий этилган. Айниқса, масофадан ўқитиш тизими назарий ва амалий тажрибаларни уйғунлаштириш, кўникмаларни мунтазам бойитиш, янгиликларни тезлик билан ўзлаштириш ва улардан амалда самарали фойдаланиш имкониятини бераётир.

Узлуксиз тиббий таълимни ташкил этиш борасида халқаро ҳамкорлигининг йўлга қўйилгани тараққий этган мамлакатларнинг илғор тажрибалари билан бевосита танишиш ва мамлакатимиз тиббиёти ютуқларини жаҳон миқёсида кенг омалаштириш имконини бераётир. Австриядаги Инсбрук университети ана шундай ҳамкорлардан биридир. Олимларимиз ушбу хорижий илм даргоҳи мутахассислари билан фитотерапиядан фойдаланишнинг замонавий услубларини яратиш бўйича қарийб ўн йил-

дан буён изланиш олиб бормоқдалар.

Ўзбек заминидан етишиб чиққан тиб илмининг султони Ибн Сино ўз асарларида беморни даставвал ширин тил, сўнгра шифобахш гиёҳ билан даволаш, ҳеч иложи қолмаганда, жарроҳлик муолажаларига мурожаат этиш кераклигини таъкидлаган, — дейди ЎЗА мухбирига Инсбрук университети ўқитувчиси, профессор Михаэль Попл. — Бугун дунёнинг барча ҳудудларида ана шу анъаналарга интилиш кучаймоқда. Жумладан, бизнинг илмий лойиҳамиз ҳам фитотерапия услубларига асосланган. Мен ҳар гал мамлакатимизда ўтадиган халқаро илмий-амалий анжуманларда ушбу мавзуда ўзимни қизиқтирган кўплаб янгиликларни кашф этган, билим ва тажриба орттирмаман.

Анжуманда узлуксиз тиббий таълимни ислох этиш босқичлари, далилларга асосланган тиббиёт, жаҳон илм-фани ва амалиёти ютуқларини таълим жараёнига татбиқ этиш, янги технологиялардан самарали фойдаланиш, тиббий таълимда интерфаол усулларни қўллаш ва халқаро ҳамкорлик самараларига бағишланган маърузалар тингланди.

Б.ХИДИРОВА



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бухорода «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан ташкил қилинган ушбу тадбирда таниқли актёрлар ҳамда эстрада хонандалари, спортчилар, олим ва ижодкорлар қатнашди.

● Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтида битирувчиларга диплом топириш ва офицерлик унвонини беришга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

● Узун туманидаги «Салмон Сервис» хусусий корхонасида 350 миллион сўмлик лойиҳа асосида автомобилларга суўлтирилган газ қуйиш шохобчаси ва машиналарга техник хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга туширилди. Натижада ҳудуддаги коллежаларни битирган ёшлардан 10 нафари доимий иш жойига эга бўлди. Тез орада корхона қошида металл буюмлар ишлаб чиқариш цехи ҳам ташкил этилади. Бу эса яна 15 битирувчи ишга қабул қилинади, деганидир.

● Янгиқўрғон туманидаги «Эталон» кўп тармоқли хусусий фирмасида полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бунинг учун дастлаб лизинг асосида 93 минг АҚШ долларига хориж технологияси сотиб олинди. Шунинг ҳисобига 10 та иш ўрни яратилди. Айни пайтда улар томонидан 8 турдаги импорт ўрнини босувчи қувурлар тайёрланиб, унинг бир қисми ички бозорга йўналтирилмоқда. Қисқа вақт ичида юртдошларимизга 80 миллион сўмлик қувурлар етказиб берилган бунинг яққол мисолидир.

ЖАҲОНДА

● Япония олимлари велосипед учун мўлжалланган мобил телефон зарядлаш ускунасини яратдилар. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, энди велосипед ҳайдовчиси ўз мобил телефони ҳеч қандай қийинчиликсиз қувват олдириши мумкин. Кашфийтчиларнинг таъкидлашича, велосипед ҳатто ҳаракатланаётган вақтда ҳам ушбу мослама ишлайверади. Маълумотларга қараганда, янги зарядлаш ускунаси ингичка сим, рулга ўрнатилган мустақкамлаш мосламаси ва динамо-генератордан иборат.

● Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, олиб борилган тадқиқотлар натижасида чекиш оқибатида тўқсон фоииз беморларда ўпка саратони, йигирма беш фоииз беморларда эса турли юрак хасталикларни аниқланган. Бундай салбий оқибатлар дунё бўйлаб миллионлаб кекувчиларнинг ихтиёрий равишда чекишни ташлашига сабаб бўлаётир. Экспертларнинг таъкидлашича, сайёрамизда тамаки маҳсулотларини ҳаддан зиёд кўп истеъмол қилиш оқибатида юзага келадиган касалликлар туфайли ҳар ўн сонияда бир киши ҳаёт билан видолашади.

● Халқаро электр алоқа иттифоқининг маълум қилишича, сўнгги йилларда дунёда мобил алоқа тармоғи фаол ривожланмоқда ва ундан фойдаланувчилар сони тобора кўпаймоқда. Ташкилот вакилларининг сўзларига кўра, жорий йилда мобил алоқа абонентлари сони 6 миллиардга етган. Маълумот ўрнида шунини айтиш жоизки, 2000 йилда симсиз телефон тармоғидан дунёнинг 12 фоииз аҳолиси фойдаланар эди. Экспертларнинг таъкидлашича, 2012 йилнинг охирига бориб мазкур кўрсаткич 80 фоииздан ошиши кутилмоқда.

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** пойтахтимизда жойлашган «Боғи Шамол» истироҳат боғида туман Хотин-қизлар қўмитаси, туман Қизил Ярим Ой жамияти, ту-

ман Маънавият тарғибот маркази, Маданият ва спорт ишлари туман бўлими ҳамда «Камолот» ЁИХнинг Учтепа тумани Кенгаши ҳамкорлигида «26 июнь — Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни» муносабати билан тадбир уюштирилди.

✓ **МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида журналист кадрларни тайёрлашнинг долзарб масалаларига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида устоз журналистлар, профессор-ўқитувчилар ва талаба-

ёшлар иштирок этди.

✓ **ҲАМЗА** туманидаги «Тенгдош» маданият уйи ташаббуси билан «Алоқачи» болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Мустақиллик олий неъмат» мавзусида тарбиявий соат ўтказилди.

ЕР ОСТИ ҚАСРИНИНГ ТЕХНИКА ИЖОДКОРЛАРИ

Албатта, кўна залворли йиллар олдида 35 йил у қадар катта аҳамиятга эга бўлмаган мuddат бўлиб кўринади. Метро фақат бекат, тоннел ёки электропоездлардангина иборат эмас, — дейди ер ости қасрининг бошлиғи Бахтиёр Содиков. — Балки унинг ўзига хос катта ва мураккаб ҳўжалиги бор. Метрополитенда электр таъминоти, электромеханика, сигналлаштириш, алоқа ва ҳаракат хизмати замонавий ускуналар, қурилмалар ва мосламалар билан таъминланган ҳолда фаолият кўрсата-


Бундан 35 йил муқаддам пойтахтимизда илк бор метро поездлари юра бошлаган эди. Йиллар давомида Тошкент метрополитени ривожланиб, кенгайиб борди.

ди. Ҳаракат таркибини таъмирлаш ва эҳтиёт қисмлар тайёрлаш депоси зиммасига ҳам катта вазифалар юклатилган. Бу ерда меҳнат қилаётган метросозлар орасида техника ижодкорлиги кенг йўлга қўйилган. Техник ходимлардан бир гуруҳи томонидан тайёрланган рационализаторлик так-

лифи депода кенг қўлланиб, катта иқтисодий фойда келтирди. Жуфтлик гилдиракларни пайвандлашга доир изланиш учун гувоҳнома олинди.

Депо ихтирочиларининг энг яхши ишланмалари эса соҳа бўйича ўтказилган танловда голиб чиқди.

Акбар АЛИЕВ



ЛОЙИХАЛАР МУТАХАССИСЛАРГА МАНЗУР

Кейинги йилларда «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси мутахассислари томонидан технологияларнинг янги йўналишлари бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилди. Бундай самарали техника ижодкорлиги намуналари «Инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар V республика ярмаркаси»да намойиш қилиниб, юқори баҳоланди.

«Рақамли интерактив телевидение хизмати», «Рақамли сино столи», «Интернет приставкаси», «Кўп функцияли нуткли модуль» деб номланган лойиҳалар ҳам амалиётга татбиқ этиладиган бўлди.

Замонавий технология бўйича кенг полосоли улашни жорий этиш мутахассислар эътиборини ўзига тортди.

Компания жамоаси томонидан тайёрланган лойиҳалар ишлаб чиқаришни модернизация қилишни тезлаштириш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ички ва ташқи бозорга рақобатбардор маҳсулотлар чиқаришни кўпайтириш бўйича илгари сурилган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

КАСБ-ҲУНАРГА ПУХТА ЗАМИН

Алоқа соҳасида малакали ёш кадрларни тайёрлашда касб-ҳунар коллежларининг хизмати катта бўлмоқда. Ҳар сафаридек 2012 йилда ҳам бу соҳада тадбиркорлик билан иш олиб берилмоқда.

— Соҳа йўналишидаги коллежларнинг моддий-техник негизи янада мустаҳкамланди, — дейди Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва инновацион технологиялар бўлими бошлиғи Ф.Орипов. — Ўқув юрларида компьютер синфлари ишлаб турибди. Улар зарур ортехника воситалари билан таъминланди. Педагогик жамоалар учун ўқув тўплами асосида «АВР микроконтроллари учун дастурлаш», «Электроника ва электротехника йўналишларида виртуал лаборатория тўпламидан дарс жараёнида фойдаланиш» мавзуларида уюштирилган ўқув семинарлари қутилган натижани берди. Айни вақтда 40 га яқин коллеж ўқув ва виртуал лаборатория тўпламига эга бўлди. Ҳомийлик тариқасида 20 га яқин амалиёт хоналари ташкил қилинди. Тошкент ахборот технологиялари университети ва филиаллар учун ўқув лабораторияларининг моддий-техник негизини замонавий қурилмалар билан жиҳозлаш мақсадида эса ўндан ортиқ фандан 36 та лаборатория комплекси харид қилинди.

Аҳмад АББОСОВ

МАҲОРАТ МАКТАБИ

Ёш авлодни юрт тинчлиги, тараққиётни йўлида бирлаштириш, уларнинг фикрлаш доирасини кенгайтириш, ташкилотчилик маҳоратини ошириш ҳамда қобилиятларини юзга чиқариш мақсадида 2002 йил 26 февраль кунини «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси телерадиокомпаниясининг «Ёшлар» телеканали таъсисчилигида «Бунёдкор» ёшлар телеклуби ташкил этилган.

«Бунёдкор» ЁТК ташкил топганлигининг 10 йиллиги ҳамда 27 июнь ОАВ ходимлари кунини муносабати билан «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгашида матбуот анжумани ташкил этилди. Унда «Бунёдкор» ёшлар телеклуби ходимлари, телеклуб аъзолари ва ОАВ ходимлари иштирок этишди. Матбуот анжуманида ташкилотнинг 10 йиллик фаолиятини ўзида акс эттирган фильм намойиш этилди.

Бугунги кунда «Бунёдкор» телеклуби аъзолари ролик, кўрсатув, лавҳа ҳамда репортажлар тайёрлаш билан чекланиб қолмасдан телемаҳсулотлар билан ишлашнинг деярли барча турлари билан ҳам шуғулланиб келишмоқда. Телеклуб 2008 йилдан 2012 йилнинг биринчи ярмига қадар «Камолот» ЁИҲнинг фаолияти, экологик муаммолар, оммавий маданият ва унинг салбий оқибатлари, ҳамкор ташкилотлар томонидан ўтказилган турли тадбир ва фестивалларга бағишланган 40 га яқин фильмлар яратди. Болалар ҳаётида содир бўладиган янгилик ва ўзгаришларни мунтазам ёритиб бориш мақсадида, 2010 йил «Болалар ҳудуди» кўрсатувининг 38 та сони тайёрланиб эфирга узатилди. 2011 йилдан бошлаб эса кўрсатув «Болалар шаҳарчаси» номи билан фаолиятини давом эттириб, яна 53 та кўрсатувни тайёрлаб томошабинлар эътиборига ҳавола қилди.

Ана шу жараёнларда телеклуб ёшлар орасидан энг билимдон ва қобилиятлиларини саралаб уларни қўллаб-қувватлади. Тадбирда шу ва бошқа масалаларга эътибор қаратилиб, яқунда «Бунёдкор» ЁТКнинг энг фаол ёшлари фахрий ёрлик ва сертификат билан тақдирланди.

Отабек ОТАЁРОВ

Мамлакатимизда тадбиркорлик ривожини йўлида яратилаётган кенг имконият ва шарт-шароитлар халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Меҳнат билан инсон ризқ-рўз топади, эл-юртда обрў орттиради. Сидқидилдан ишлаган одамнинг рўзгорига барака кириверади. Юзлаб мулк соҳибдорларнинг фаолиятига назар ташланг: уларнинг ғайрат-шижоатидан ўзи ҳам, ўзгалар ҳам манфаатдор бўлаётди. Уларнинг хизматлари билан бинолар, йўллар, кўприклар қурилмоқда, кам таъминланганларга ёрдам берилиб, янги иш ўринлари яратилмоқда.

Ўзимдан қиёс: Мустақиллик шарофати билан орзум ушалди — мулкдор бўлдим. Мустақил Ватанимиз юксалган сари мен ҳам давр билан ҳамнафас ўсдим, улгайдим. Йилдан йилга корхонамиз иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланди. 2000 йилда олий маълумот олишга қарор қилиб, университетга ҳужжат топширдим. Айни вақтда аспирантман, нефтни қайта ишлаш борасида изланишлар олиб бораётиман.

Эришган ютуқларимнинг ҳаммасини, муболагасиз айтишим мумкинки, менга Мустақиллик берди. Асосийси, қўлчимизни кенг ёзиб ишлаш, дилимиз каттадаги орзу-умидларимизни рўёбга чиқариш имкониятини яратди. Ўзимизга бўлган ишончимизни оширдим.

Президентимиз раҳнамолигида қабул қилинган тадбиркорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги қатор Қарор ва Фармонлар биз каби тадбиркорларнинг фаолиятимиз самарадорлигини таъминлаётди. Маҳсулотларимизга бозор талабининг ўсиши муносабати билан тадбиркорларга яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда банк хизматлари бизга қўл келмоқда. Банклардан, хусусан «Асака» банк билан қилинаётган ҳамкорлик, олинган кредит ва лизинг маблағлари корхонамизнинг янада юксалишида қўл келмоқда.

Бугун яратилган шу қадар кенг имкониятлардан фойдалана туриб, ёшлик давримни тез-тез эсга оламан. Ота-онам зиёли инсонлар. Отам — кимё фанлари доктори, онам чинни заводи-

да моҳир уста бўлса-да, беш фарзандни иқтисодий томондан тўлиқ таъминлаш уларга оғирлик қиларди. Урта мактабда ўқиб юрганамизда, оила эҳтиёжлари учун кичкина томоркамизда иссиқхоначалар қуриб кўкат, редиска етиштирдим. Мактабни тугаллаган йилим оиламизнинг турмуш тарзини яхшилаш мақсадида ишлаб, пул топиш учун хунар ўрганишга киришдим. Ўша вақтларда юртимиз энди истиқлолга эришган бўлиб, ҳали тизим тўлиқ шакланмаган, ўзига яраша иқтисодий муаммолар мавжудлиги боис, олий маълумотли ака-опаларим

ТАДБИРКОР — ЭЛГА МАДАДКОР

ҳам ўзига муносиб иш тополмай, оддий ишчи бўлиб ишларди.

Хусусий мулкчилик ҳам энди-энди шакланган боис, хусусий корхоналар кўзиқориндай кўпайган, бироқ аниқ бизнес-режа билан ишлаётган тадбиркорлар жуда кам, улар ҳам қандай фаолият юритишни билмас эди. Шу сабабдан икки йилда 4-5 беш марта иш жойимни ўзгартиришимга тўғри келган. Ниҳоят, янгидан ташкил этилган, бозор учун янги маҳсулот-мева соладиган шиша идишлар ишлаб чиқариладиган заводда оддий ишчи бўлиб ишлаб бошладим. Қисқа фурсатда қатор шогирдлар тайёрладим. Сўнгра ўзим ҳам шу йўналишда кичик корхона очдим.

Бугун эса мен ҳам мустақил Ватанимиз учун, унинг янада юксалиши учун ўзимнинг муносиб хиссамни қўшиш истагида янада изланмоқдаман. Тошкент — мамлакат юраги. Унда юз бераётган ҳар бир янгилик, янгиликни бошқалар учун доимо намуна бўлиши ҳеч кимга сир эмас. Жорий йилнинг март ойида бўлиб ўтган халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сес-

сиясида бу хусусда Юртбошимиз алоҳида тўхталиб, «...Тошкент шаҳри ўзининг улкан ишлаб чиқариш салоҳияти, юксак малакали муҳандис-техник ходимлари, олим ва мутахассислари, ички ва ташқи бозоримизда харидоригар маҳсулотлари билан наинки мамлакатимиз, балки бутун минтақа иқтисодиётида етакчи ўрин тугиб келади» дея таъкидладилар.

Юртимизда олиб борилаётган ана шундай изчил, аниқ мақсадли ислоҳотлар самараси ўлароқ турли йўналишларда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган корхона ва ташкилотлар сони ортмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Бир вақтлар оддий ҳўжалик буюминини ҳам бошқа мамлакатлардан олиб келган бўлсак, эндиликда «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» савдо белгисига эга озиқ-овқат, кийим-кечак, маиший техника воситалари ва бошқа маҳсулотлар нафақат ички, балки ташқи бозорларга ҳам кенг миқёсда етказиб берилмоқда.

Яхши эсламан, бир вақтлар шаҳарда дўконлар санокли бўлиб, биргина буханка нон учун ҳам баъзида соатлаб навбатда турардик. Маҳсулот турлари ҳам ҳозиргидек хилма-хил бўлмади. Истиқлол шарофати билан бугунги кунда юртимиз ободликка юз тутди, халқимиз фаровонликка эришди. Ҳар қадамда замонавий, кўркам мини-маркет ва супермаркетларга дуч келамиз. Улардан сифатли, мазали маҳсулотларни эҳтиёжимизга яраша харид қиламиз. 90 га яқин иш ўрнига эга корхонамиз ҳам эл дастурхонига шифобахш, салқин ичимликлар етказиб беришда 2008 йилдан буён ўзининг муносиб хиссасини қўшаётди.

Бизнинг барча интилиш ва саъй-ҳаракатларимиз ҳар бир ўзбек фарзанди сингари юртимизнинг энг муқаддас бойлиги ҳисоблангани Ватанимиз мустақиллигига шукроналар айтиб, унинг янада гуллаб-яшнаши ва равақ топишига муносиб ҳисса қўшишга қаратилган. Шу боис ҳам мавжуд имкониятлардан тўғри ва оқилона фойдаланган ҳолда биз, келгусида корхонамиз фаолиятини янада кенгайтириб, янги иш ўринлари яратишни мўлжаллаётимиз.

Шухрат СУЛТАНХАДЖАЕВ,
«Royal gold water»
хусусий корхонаси директори

Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида ёшлар ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

ЁШЛАР ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф.Мухаммаджонова, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюмаси раиси Ш.Ғулмов ва бошқалар мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари жамиятимизнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган ислоҳотлар моҳиятини аҳолига, хусусан, ёшларга етказишда, ёшларга оид давлат сўресатини амалга оширишда муҳим ўрин тутаётганини таъкидлади. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, мазкур соҳа ходимларини қўллаб-қувватлаш, меҳнатини рағбатлантириш, ёш журналист кадрлар тайёрлаш масаласига қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бермоқда.

Ёшларнинг жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнидаги фаол иштироки, турли жабҳаларда эришаётган ютуқлари, ёшлар ташкилотларининг лойиҳалари матбуот, радио ва телевидениеда кенг ёритилмоқда. Хусусан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилаётган «Мустаҳкам оила — жамият пойдевори» мавзусидаги он-лайн мулоқотларда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, йигит-қизларни

салбий иллатлар таъсиридан ҳимоялаш юзасидан мунтазам тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтириш, ёш журналистларнинг билим ва маҳоратини оширишга кўмаклашиш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш мақсадида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида «Йилнинг энг фаол ёш журналисти» танлови эълон қилинди. Ўзбекистон журналистлари ижодий уюмаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа давлат ҳамда нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилаётган ушбу икки босқичли танловда 30 ёшгача бўлган профессионал ва хаваскор журналистлар, фотоижодкорлар иштирок этиши мумкин. Танловга материаллар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳудудий бўлиmlарида қабул қилинмоқда. Источчилар www.kamolot.uz сайтидан бу ҳақда батафсил маълумот олиши мумкин.

Тадбир доирасида «Туркистон» газетасининг «Yetakchi» илова нашри тақдимоти ўтказилди. 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан ёшлар ҳаётини фаол ёритиб келаётган бир гуруҳ журналистлар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА муҳбири

МИЛЛИЙ МАТБУОТИМИЗ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари ривожланиши ва соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятига бағишланган матбуот конференцияси ўтказилди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг ўринбосари Р.Сафоев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг ҳақон андозалари талаблари даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш масаласи давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида эканини таъкидлади.

Мамлакатимизда қабул қилинган ўнга яқин қонун ҳужжатлари оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, уларда ҳар жиҳатдан туб ижобий ўзгаришларнинг юзга келишида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, 1991 йилда мамлакатимизда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситаларининг умумий сони 395 тани ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 20 июнь ҳолатига кўра, бу кўрсаткич 1292 тага етди. Уларнинг 60 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари экани эътиборга моликдир. Айни пайтда интернет журналистиканинг жадал ривожланиши натижасида ҳозирда 196 веб-сайт

оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатга олинди, фаолият кўрсатмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2010 йил 12 ноябрда тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ахборот соҳасини ислоҳ этишнинг янги даврини бошлаб берди. Унга кўра, оммавий ахборот соҳасини изчил ривожлантириш, замон талабига жавоб берувчи кадрларни тайёрлаш, барча оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид ишлар ҳажми тобора ортмоқда.

Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги Қарори медиа тузилмалар, наشريёт ва полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларни янада ривожлантириш учун қўлай шароитлар яратишда яна бир муҳим кадам бўлди.

Матбуот конференциясида журналистларнинг саволларига батафсил жавоблар қайтарилди.

(ЎЗА)

Мамлакатимизда олти ойликдан беш ёшгача бўлган болаларни таркибда фойдали микроэлементлари бўлган моддалар билан таъминлаш ва соғломлаштиришга оид «Соғлом бола ҳафталиги» бошланди.

СОҒЛОМ БОЛА ҲАФТАЛИГИ

Мутахассисларнинг таъкидлашича, А витамини инсон иммунитет тизимини мустаҳкамловчи энг муҳим микроэлементлардан бири бўлиб, организмда унинг етишмаслиги кўриш қобилиятининг пасайишига, қизамик, диарея ва ўткир респиратор инфекцияли касалликларга олиб келади. Бу инсон ҳаётига хавф солади. Дунё амалиётида ушбу муаммага қарши курашда А витамини сапелментацияси дастури амалга оширилмоқда ва унинг натижасида ҳар йили 300 мингдан зиёд болаларнинг ҳаёти сақлаб қолинмоқда.

Мамлакатимизда ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда 2002 йилдан бошлаб ана шундай лойиҳа узлуксиз амалга оширилмоқда. Ушбу дастур доирасида кенг қамровли тadbирлар ўтказилди ва уларнинг ҳар бирида икки миллион нафардан зиёд бола қамраб олинди. Натижада болалар ўртасида микронутриент етишмаслиги туфайли келиб чиқадиган хасталиклар, энг муҳими, болалар ўлими кескин камаймоқда.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида бу йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтириш, болаларни таркибда фойдали микроэлементлар бўлган шифобахш препаратлар билан таъминлаш лойиҳасини изчил давом эттириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини ва рационал овқатланиш маданиятини тарғиб этиш билан боғлиқ кенг кўламли вазибалар белгиланди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги давлат, жамоат тузилмалари, ЮНИСЕФ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда бу борада кенг кўламли ишлар олиб бормоқда.

Мамлакатимизда 25-30 июнь кунлари ўтказилаётган «Соғлом бола ҳафталиги» ушбу йўналишдаги муҳим тadbирлардан бири ҳисобланади. Бундан қўзғалган мақсад – болаларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, миллат генофондини мустаҳкамлаш, соғлом фарзанд туғилиши ва камолга етишини таъминлашдир.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигида ушбу ҳафталикнинг очилишига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди. Унда тегишли давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, шифокорлар, журналистлар иштирок этиди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари А.Комилов оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, оилада соғлом фарзанд туғилиши ҳамда соғлом улғайиши борасида мамлакатимизда

мизда амалга оширилаётган тиббий-ижтимоий ислохотлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва ҳаётга изчил татбиқ этилаётган «Соғлом бола» соғлом бола» концепцияси бу борада муҳим омил бўлаётди.

Ушбу йўналишда қабул қилинган дастур ва лойиҳалар ўз вақтида амалга оширилиши туфайли она ва бола скрининг хизмати тобора такомиллашмоқда. Хомилдор аёлларни таркибда фойдали моддалар бўлган поливитамином билан таъминлаш, аёллар, ўсимир қизлар ва болаларни мунтазам бирламчи тиббий-профилактика кўригидан ўтказиш ва касаллиги аниқланган фуқароларни ўз вақтида соғломлаштиришга эришилмоқда.

«Соғлом бола ҳафталиги» ушбу тadbирларнинг мантйқий давомидир. Ҳафталикнинг юқори савияда ўтказиш мақсадида ЮНИСЕФ томонидан зарур миқдорда тегишли тиббий препаратлар тақдим этилиб, тиббий муассасаларига етказилди. Бирламчи тиббий-профилактика масканлари шифокорларнинг билим ва касб маҳоратини ошириш бўйича махсус ўқув-услубий машғулотлар ўтказилди.

Ҳафталикнинг юқори савияда ташкил этиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг етук мутахассислари жойларга юборилди. Улар болаларни А витамини билан таъминлаш тadbирларида маҳаллий тиббий ходимларига яқиндан кўмаклашди. Шунингдек, аҳоли ўртасида болаларни кўрак сuti билан озиклантиришнинг аҳамияти, А витамини сапелментацияси ва турғуқ ёшдаги аёллар, ўсимир қизлар ва болаларни соғломлаштириш бўйича комплекс чора-тadbирлар амалга оширилади.

(ЎЗА)

Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Марди майдон» жонли ижродати кўшиқлар фестивалининг навбатдаги босқичи бўлиб ўтди.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, «Тегга Group» масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлигида эстрада, анъанавий ижрочилар ва академик вокал йўналишида ижод қилаётган ёш истеъдодларни излаб топиш, уларни кенг жамоатчиликка таништириш, ёш ижодкорларнинг профессионал малакасини ошириш мақсадида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган фестивалнинг бу галги босқичида ўн нафар ёш ижрочи ўз маҳоратини намойиш этиди.

Тadbирнинг очилишида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бош директори А.Ҳайдаров мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг маънавиятини юксалтириш, бадиий дидини тарбиялаш мақсадида мусиқа санъатини изчил ривожлантириш, ёш ижодкорларни миллий ва жаҳон мусиқасининг ноёб дурдоналаридан баҳраманд этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

«Марди майдон» жонли ижродати кўшиқлар фестивали ёш истеъдод эгаларини кашф этиш, санъат оstonасига қадам қўяётган ёшларнинг саҳна ва ижро маданиятини юксалтириш билан бир қаторда уларнинг миллий мусиқа санъатига меҳр ва эътиборини кўчатиришга хизмат қилмоқда. Фестивалда ёш ижодкорлар томонидан матн, шерьият, мусиқа талабларига ҳаво берувчи юксак савиядаги кўшиқларнинг жонли ижро этилаётгани халқимизга манзур бўлмоқда.

Фестивалда муваффақиятли қатнашаётган хонандалар халқимизнинг Мустақиллик, Наврўз сингари энг азиз байрамларига бағишланган концертлар, республика ва халқаро миқёсда ўтказилган танлов ва фестивалларда иштирок этиш учун тавсия этилмоқда.

Мазкур фестиваль ижодий салоҳиятимизни намойиш этишга

Юксак маънавият — энгилмас куч ИСТЕЪДОД ВА МАҲОРАТ КЎРИГИ

ган ёшларнинг саҳна ва ижро маданиятини юксалтириш билан бир қаторда уларнинг миллий мусиқа санъатига меҳр ва эътиборини кўчатиришга хизмат қилмоқда. Фестивалда ёш ижодкорлар томонидан матн, шерьият, мусиқа талабларига ҳаво берувчи юксак савиядаги кўшиқларнинг жонли ижро этилаётгани халқимизга манзур бўлмоқда.

Фестивалда муваффақиятли қатнашаётган хонандалар халқимизнинг Мустақиллик, Наврўз сингари энг азиз байрамларига бағишланган концертлар, республика ва халқаро миқёсда ўтказилган танлов ва фестивалларда иштирок этиш учун тавсия этилмоқда.

Мазкур фестиваль ижодий салоҳиятимизни намойиш этишга

га яхши имкониятдир, — дейди ЎЗА муҳбирига 2011 йилги «Нихол» мукофоти совриндорини, «Ўзбегим ёшлари» гуруҳи хонандаси Машҳурбек Раимжонов. — Кўшиқларнинг фақат жонли ижро этилиши ҳақиқий истеъдод соҳиб ва маҳоратли бўлиши талаб этади. Бу эса келажакда етук санъаткор бўлиб етишиш, халқ кўнглидан жой оладиган кўшиқларни яратишда муҳим омил бўлади.

Истиклолимизнинг 21 йиллик санаси арафасида ушбу фестивалнинг совриндорлари ва энг яхши қатнашчилари иштирокида «Сени шарафлаймиз, Ўзбекистоним!» деб номланган жонли ижродати гала-концерт ташкил этилади.

Байрам АЙТМУРОВОВ

МАЪНАВИЯТ ВА ТАРБИЯ МАСКANI

Пойтахтимизнинг Яққасарой туманида истиқомат қилувчи Дилдора ва Дилноза Исмонова Тошкент педагогика коллежида ўқийди. Опа-сингиллар дарсдан бўш пайтларида кўшимча хунар ҳам ўрганди. Қўлида ҳунари бор бу қизларга ҳозир кўпчилик ҳавас қилади. Бундан уларнинг ота-онаси ҳам, маҳалла-кўй ҳам мамнун...

Ёшлик — энг гўзал, жўшқин, айна пайтада масъулиятли, инсоннинг келгуси тақдирини белгилашдаги муҳим палла. Шу боис Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг пухта таълим-тарбия олиши, ўз қизиқиши бўйича касб-хунар эгаллаши, комил инсон бўлиб вояга етиши масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан қўзғалган мақсад — катта ҳаётга кириб келаётган ҳар бир йигит-қизни тўғри йўлга бошлаш, турли ёт гоълар, бузғунчи уснурлар таъсиридан асраш.

Қадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ишлаб чиқилган узлуксиз таълим тизимида бу масалалар атрофича қамраб олинган. Умумтаълим мактабининг 9-синфини битирган ҳар бир йигит-қиз касб-хунар коллежида ёки академик лицейда ўқини давом эттирар экан, ўз мустақил ҳаёти учун муҳим пойдевор қўяди. Муайян касбнинг бошини тугити, хунар эгаллаб, кейин оила куриш ўғил учун ҳам, қиз учун ҳам келгуси ҳаётида бекхис аҳамият касб этади. Бу, ўз навбатида, шу оиланинг мустаҳкамлиги, фаровонлиги, фарзандлар тарбиясига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Шу боис мамлакатимизда умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётди. Бу жараёнда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам фаол иштирок этиб, ўсиб келаётган авлод тарбиясини тўғри йўлга қўйиш, ёшларни кучли, аниқ ва манзилли тарзда ижтимоий ҳимоялаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида изчил чора-тadbирларни амалга оширмоқда.

Пойтахтимиздаги 474 маҳаллада ҳам умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига қамраб олиш, ёшларни, айниқса, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, эрта турмуш қуришининг олдинини олиш, коллеж битирувчилари ишга жойлашишига яқиндан кўмаклашиш каби долзарб масалалар доимий эътиборда. Бунинг шарафига Яққасарой туманидаги Мўминий номидаги маҳалла мисолида ҳам кўриш мумкин. Маҳалла жамоатчилиги томонидан оилаларнинг аҳоли, улардаги маънавий муҳит, ёшларнинг ота-оналари, оила аъзоларининг фикрлари, оруз-истаклари пухта ўрганилиб, шу асосда тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Халқимизда бир болага етти маҳалла ота-она, деган нақл бежиз айтилмаган, — дейди ЎЗА муҳбирига мазкур маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Матлуба Мўминжоновна. — Туманимиз ҳудудидидаги 144-мактабининг 9-синфини жорий ўқув йилида 113 нафар ўқувчи тамомлади. Ота-оналар, маҳалла фаоллари, педагогик жамоа иштирокида ҳар бир ўқувчининг касб-хунарга бўлган қизиқиши ва интилиши ўрганилиб, улар таълимнинг кейинги — ўрта махсус, касб-хунар билим масканларида ўқини давом эттириши учун зарур барча чоралар кўрилди.

Айни пайтада мазкур маҳалла ҳудудидида яшовчи 58 нафар йигит-қиз жорий йилда касб-хунар коллежи ва академик лицейларни муваффақиятли тамомлади. Уларнинг аксарияти «коллеж-корхона-ўқувчи» ўртасида имзоланган уч томонлама шартнома асосида ишлаб чиқариш амалиётини ўтаб, ҳозир иш билан таъминланмоқда. Бошқалари эса туман меҳ-

нат биржаси, бандликка кўмаклашиш марказлари ёрдамида ўз ихтисослиги бўйича ишга жойлаштирилмоқда.

Матлуба опанинг таъкидлашича, алоҳида эҳтиёжли оилаларнинг фарзандлари, кўшимча касб-хунар ўрганиш истагидидаги ёшлар учун маҳаллада ўқув курслари фаолият олиб бормоқда. Жумладан, компьютер саводхонлиги, «Ҳаётга тайёрлаш» сингари махсус курсларда ўсимир қизлар учун ахборот технологиялари доир билим, пазандалик, чеварлик, сартарошлик ва орасталик сирлари ўргатилмоқда. Муомала маданияти, кийиниш одоби каби йўналишлар бўйича олиб бориладиган тўғарақ машғулоти эса қизларда соғлом ва мустақил тафаккурга эга бўлиш, ҳаётда учрайдиган муаммолни вази-ятларда оқилона қарор қабул қилиш, тўғри хулосалар чиқариш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришда жуда қўл келмоқда.

Маҳаллада ташкил этилган «Ота-оналар университети»да ҳуқуқшунослар, психологлар, юқори малакали шифокорлар, илм-маърифат, таълим соҳаси фидойилари, дин вакиллари иштирокидаги доимий учрашувлар самарасида қизларни эрта турмушга узатиш, яқин қариндошлар ўртасида никоҳ каби салбий ҳолатларнинг олди олинмоқда.

Маҳалла ҳудудидидаги барча ўсимир-ёшлар, шу жумладан, 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсимир қизларнинг мактабдан таълимнинг кейинги босқичига қамраб олиниши, ўқишдаги давомати, эзгу оруз-интилишлари, турли тўғарақларга қатнаши, сало-матлиги, меҳнат билан бандлиги мониторинги юритилмоқда. Маҳалла фаоллари ташаббуси билан 59-оилавий поликлиникада умумтаълим мактабларининг юқори синфлари, ўрта махсус, касб-хунар билим даргоҳларининг ўқувчи қизлари тиббиётнинг турли йўналишлари бўйича ихтисослашган қўриқдан ўтказилмоқда. Зарур ҳолларда қизларга маслаҳатлар, зарур муолажалар тайинланади.

Маҳаллада ёшларининг аксарияти 160-мактабининг сузиш ҳавзаси ҳамда «Қўшбеги» болалар спорти мажмуасидаги секцияларга қатнайдди, — дейди М.Мўминжоновна. — Айниқса, ёзги таътил даври бошланган шу кунларда маҳалланинг барча ўғил-қизлари спорт тўғарақларини қанда қилмаётди.

Бундай спорт тўғарақларидаги машғулотлар қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни соғлом турмуш тарзига ўргатишга муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, маҳаллада истиқомат қилувчи Нарғиза ва Хилола Мадрохимова, Нилуфар Шукророва, Шаҳноза Асқарова сингари қўллаб-қуватиш қизлар бадиий гимнастика, сузиш, стол тенниси ва спортнинг бошқа йўналиши бўйича туман, шаҳар миқёсда ўтказилаётган мусобақаларда голибликни қўлга киритмоқда.

Ҳа, маҳалла — меҳр-оқибат, тарбия, маънавият маскани. Унда вояга етаётган ҳар бир фарзанд, айниқса, қизларнинг пухта таълим-тарбия олиши, жамиятда ўз ўрнини топиши, тақдирини, келажакни ота-оналар билан биргаликда қўни-қўшни, ўқитувчилар, маҳалла, хотин-қизлар кўмитаси фаолларининг ҳам доимий диққат марказида. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида бу борадаги эзгу ишлар кўламини тобора кенгайтиб бораётгани мамлакатимизнинг эртанги кўни бўлиши навқирон авлод камолоти йўлида давлатимиз томонидан кўрсатилаётган кечиксиз меҳр ва ғамхўрликнинг амалдаги яққол ифодасидир.

Назозат УСМОНОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичи-босқич охири бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Савдога қўйиладиган автотранспорт воситалари қўйилмоқда: Бўка тумани СИБ томонидан 14.11.2011 й. № 8515/16-сонли ижро ҳужжати асосан йили аниқланмаган. «OPEL», д/р. б/н. Бошланғич баҳоси — 6 057 000 сўм. 14.11.2011 й. № 8511/16-сонли ижро ҳужжати асосан «ААГ-ГАЗ САЗ 3507» д/р. 11 О 2812. Бошланғич баҳоси — 5 866 985 сўм. Бўка тумани СИБ жарима майдончасида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 9 июль кuni соат 11:00 да бўлиб ўтади. Бўка тумани СИБ томонидан 18.06.2009 й. № 4349/3-сонли ижро ҳужжати асосан 1988 й. и/ч «Т-28x4Mс1 ва 2-ПТС4793», д/р. б/н. Бошланғич баҳоси — 6 408 000 сўм. Бўка тумани Табассум ТЛ МЧЖ дўконидида сақланмоқда. Бўка тумани СИБ томонидан 16.05.2012 й. № 3779/16-сонли ижро ҳужжати асосан 1974 й. и/ч «Ваз-2103» д/р. 10 Z 393 Бошланғич баҳоси — 3 331 484 сўм. Бўка тумани ИИБ ДАН жарима майдончасида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 24 июль кuni соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2012 йил 24 июль кuni савдода сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 9 август кuni бўлиб ўтишини олдиндан маълум қилишимиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИНИНГ АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қўйиладиган ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 1048 8730 5002, МФО: 00425, ИНН: 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улғабек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184 уй. Тел.: 266-80-76.

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичи-босқич охири бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Савдога Миробод тумани СИБ томонидан 29.02.2012 й. № 8411-12/6-сонли ижро ҳужжати асосан «Stone Express» МЧЖга тегишли бўлган мрамор тошларни ишлаб чиқариладиган ва тошларни фигурали махсулот қилладиган асбоб-ускуна қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 9 034 258 370 сўм. Юқоридаги мулк Ҳамза тумани Мусахоннов кўчаси, 2-уйда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 30 июль кuni соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк 2012 йил 30 июль кuni савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 14 август кuni бўлиб ўтишини олдиндан маълум қилишимиз. Савдога қўйилган мулк билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИНИНГ АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қўйиладиган ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 1048 8730 5002, МФО: 00425, ИНН: 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улғабек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Тел.: 266-80-76.

«KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси охири бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

I. Аукцион савдосига Мирзо Улғабек туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2009 йил 21 декабрдаги 10-0914/16609-сонли ижро ҳужжати асосан, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Ал-Хоразмий даҳаси, 1-уй манзилида жойлашган умумий ер майдони 63 кв.м бўлган, 1980 йилда қурилган икки қаватли бинонинг биринчи қаватининг бир қисми қўйилмоқда.

II. Аукцион савдосига Учтепа туман СИБ томонидан, ФИБ Мирзо Улғабек туманларо судининг 2012 йил 26 январдаги 1-199/12-сонли ижро ҳужжати асосан Тошкент шаҳар, Мирзо Улғабек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 352-уй манзилида жойлашган умумий майдони 247 кв.м, қурилиш ости майдони 153,6 кв.м, умумий фойдаланиш майдони 65,53 кв.м, яшаш майдони 30,5 кв.м бўлган уй қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 62 500 000 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йил 30 июль кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2012 йил 27 июль кuni соат 18:00.

III. Шунингдек, аукцион савдосига Шайхонтоҳур туман СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар, Олмазор туман судининг 2011 йил 28 апрелдаги 1-34/11-сонли ижро ҳужжати асосан, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Белтепа маззеси, 11-уй, 156-хонадон манзилида жойлашган умумий майдони 110,14 кв.м бўлган 5 хонали уй-жой такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 150 932 194 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йил 16 июль кuni соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2012 йил 13 июль кuni соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «KMSK» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИБ Сағбон ф-даги қўйиладиган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1 А-уй. Тел.:228-79-52. Расмий сайт:www.1kms.uz.Лицензия: RR-0001

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани тadbиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 2008 йил 3 июнда 001847-07 сонли реестр рақами билан қайта рўйхатга олинган «SHANAR TIBBIY MASLANAT-DIAGNOSTIKA MARKAZI»нинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли «TIBBIY MASLANAT-DIAGNOSTIKA MARKAZI» Давлат унитар корхонасига ўзгартирилади. «TIBBIY MASLANAT-DIAGNOSTIKA MARKAZI» Давлат унитар корхонаси «SHANAR TIBBIY MASLANAT-DIAGNOSTIKA MARKAZI»нинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Мурожаат учун телефон: 289-50-05, 289-50-10

Сергели тумани тadbиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2011 йил 12 апрелда хусусий тadbиркор Алиев Хасан Тохировичга берилган юридик шахсини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги № 0606000 реестр рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми? Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми? Унда шошииб таваккал қилманг. Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақднгизни беҳудуда совуришигиз мумкин!

Кўчмас мулк бозоридида 1-сонли ризатораяк лицензиясига эга бўлган «KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сызга кўчмас мулк, хусусан ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончан хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимизнинг юқори малакали мутахассисларининг (+99899) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85 телефон рақамларига кўнгирик қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланг. Кўчмас мулкнингизни оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шакланган ҳақиқий нархлар билан таққослашган ҳолда республика миқёсда тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолаатланади.

Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномадан асосда амалга оширилади.

«KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, ҳуқуқий ва арзонлиги билан Сызни, албатта, қувонтиради.

Унутманг



Ёз – ўтмоқда соз

Козим Ўлмасов олган сурат

ОРОМГОҲЛАР БОЛАЛАР БИЛАН ГАВЖУМ...

Пойтахтимиздаги барча мактабларда сўнги қўнғироқ садолари янграгач, болалар кутган завқли дамлар – ёзги таътил кунлари бошланди.

Мамлакатимизда мактаб ўқувчиларининг ёзги дам олиш ва соғломлаштириш мавсуми муваффақиятли давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 март куни қабул қилинган «Болаларнинг дам олишни ташкил этиш ва соғломлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мазкур йўналишдаги ишларни сифат ва мазмун жиҳатидан янада юқори босқичга олиб чиқишда муҳим дастуруламал бўлмоқда. Қарорга биноан ўқувчилар дам олиш кунларини мамлакатимизнинг сўлим гўшаларида жойлашган оромгоҳларда ёки мактаблар ва ўқув муассасалар ҳузурида ташкил қилинган кундузги оромгоҳларда ўтказиш имконига эга бўлишмоқда.

кундузги дам олиш оромгоҳида бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Тошкент шаҳар бўлими ва «Ўзбек Наво» Республика эстрада бирлашмаси ҳамкорлигида ташкиллаштирилган ушбу тадбирда 100 дан ортиқ шахримизнинг турли туманларидан келган жажжи болалар қалблари бир олам қувонгча тўлди. — Бизнинг оромгоҳимиз энг салқин жойлардан бирида барпо қилинган бўлиб, ўз бағрига 125 нафардан ортиқ бола-жонларни сиғдира олади, — дейди оромгоҳ мутасаддиларидан бири Ёқутхон Шукурова. — Расм чизиш, ашула, шахматшашка, рақс ва бисер тўқиш бўйича «Моҳир қўллар» тўғаракларининг фаолияти таътилни мароқли ўтишини таъминламоқда. Бундан ташқари турли ёшдаги болаларнинг жисмоний ва руҳий имкониятлари ҳисобга олиниб 7 та ётоқхона ва 2 та ўйин хоналари ҳам бунёд этилган. Шуниси эътиборлики, пойтахтимизнинг барча ўқувчи-ёшлари вақтини мазмунли ўтказиши, дам олиши, салоҳиятини яна-

да ошириши учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Ҳақиқатан ҳам ушбу оромгоҳда олимпиадалар, маърифий танловлар, техник ва бадий ижодиёт кўргазмалари, фан, санъат, спорт намояндалари билан қизиқарли учрашувлар ёшларнинг билими ва тафаккури янада бойитади. Спорт мусобақалари, турнирлар, оромгоҳлараро спартакиадалар, сузиш машғулоти болаларни жисмонан ва руҳан чиниқтиради, оромгоҳ жойлашган ҳудуддаги диққатга сазовор масканлар ва тарихий обидаларга уюштирилган саёҳатлар эса ёш авлодда Ватанга муҳаббат, табиий бойликларимизни кўз қорачигидек асраб-авайлаш туйғуларини мустаҳкам қарор топтиришга хизмат қилади. Шунингдек, мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан юртимиздаги барча оромгоҳларда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг махсус ижтимоий акциялари, маданий тадбирлар, адабий кечалар ва кўрик-танловлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда давлатимиз томонидан ёш авлод камолоти йўлида, хусусан, уларни соғломлаштириш ва дам олишни сифат ва мазмун жиҳатидан янада бойитиш учун қўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Рабнонакул МУХТОРОВ

Футбол бўйича Ўзбекистон XXI миллий чемпионати олий лигасида олтин медалга даъвогарлик қилаётган етакчи жамоаларнинг барчаси ўн биринчи тур учрашувларида ғалабага эришди.

«Пахтакор» футболчилари «Навбахор»дан 2:1 ҳисобида устун келди.

Чемпионат аутсайдерларидан бири – кетма-кет саккиз турдан бери ғалаба қозона олмаётган «Бухоро» футболчилари ниҳоят сафар учрашувини ўз фойдасига ҳал қилди. Самарқандда «Динамо» жамоасига қарши ўтказилган беллашувда От-абек Нарзуллаев томонидан сўнги дақиқада киритилган гол бухороликларга уч очко келтирди.

Шунингдек, «Олмалик» футболчилари ўз майдонидан «Локомотив»ни кичик ҳисобда енган бўлса, сўнги погонани эгаллаб турган «Машъал» «Қизилқум»га 0:2 ҳисобида ютқазди. «Андижон» жамоаси ҳам ўз майдонидан «Шўртан» футболчиларидан 1:2 ҳисобида мағлубиятга учради.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси

ЎЗГАЛЛИКНИ ИЛҒАГАН НИГОҲ

Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида маҳаллий ва хорижий сураткашлар ижодини жамлаган «Объектив ҳудуд» номи фотокўргазма ўз ишини бошлади.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Ижод» Ўзбекистон рассомлар, санъатшунослар ва халқ усталари уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазмада шахсий, халқаро ва республика миқёсидаги қўлбал кўргазмалар муаллифлари бўлган саккиз нафар сураткаш 90 дан ортиқ фотосарслари билан қатнашапти.

Кўргазмада иштирок этаётган ҳар бир сураткаш ўзига хос хусусиятларга, ўз йўналишларига эга бўлиш билан бирга қизиқарли, таъсирли, эсда қоларли асарларни яратишга муваффақ бўлган десак адашмаймиз. Экспозицияга қўйилган суратларда ўзгача кайфият, меҳр билан ёндошув, ранг ва ёруғликни

ҳис қилиш маҳорати яққол намоён бўлади.

Фотография оламида янги техник воситалар ва кенг имкониятларнинг вужудга келиши сураткашларнинг ижодидан янада ёрқинлик, ўзгаллик ва таъсирчанлиги ошишига сабаб бўлди. В. Шлосбергнинг аниқ ва лўнда композициялари, В. Мясниковнинг фалсафий мулоҳазаларга бой этюдлари, А. Жумаевнинг инсон ва табиат ўртасидаги уйғунликка бағишланган суратлари, С.Канаки ва К. Минайченконинг тоғ пейзажлари, Л. Аметовнинг натюрмортлари, М.Головачев ва В.Соколовнинг замондошларимиз портретларини акс эттирган суратлари томошабинлар олқишига сазовор бўляпти.

Хулқар МАМИТОВА

Футбол

ПЕШҚАДАМЛАР ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Фарғонада амалдаги чемпион – «Бунёдкор» 2:1 ҳисобида «Нефтчи» футболчиларини ўз муҳлислари кўз ўнгида мағлубиятга учратди. «Бунёдкор» голлари Лутфулло Тўраев ва Жавлон Иброҳимов ҳисобига ёзилди. Фарғоналиклардан Анвар Бердиев жавоб тўпини киритди. Очколари сонини 24 тага етказган Мир-

жалол Қосимов шогирдлари мусобақа жадвалида пешқадамлик қилмоқда. Иккинчи ўринда бораётган «Насаф» жамоаси ўз майдонидан «Металлург» футболчиларини қабул қилди. Унда Артур Геворкяннинг ягона голи эвазига қаршилик чарм тўп усталари навбатдаги уч очкога эга бўлди. Яна бир қизиқарли учрашувда

- 1.Касб таълими (Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси);
- 2.Касб таълими (автомобиль йўллари ва аэродромлар);
- 3.Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича);
- 4.Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича);
- 5.Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (транспорт турлари бўйича);
- 6.Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари (тармоқлар бўйича);
- 7.Автомобиль йўллари ва аэродромлар;
- 8.Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси (транспорт турлари бўйича);
- 9.Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлар бўйича);
- 10.Ташишни ташкил этиш ва транспорт логистикаси (транспорт турлари бўйича);
- 11.Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар бўйича) таълим йўналишлари бўйича мутахассис бўлишни хоҳловчи барча абитуриентларни Тошкент автомобиль ва йўллар институтига таклиф этамиз!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

Қуйидаги бўш ўринларга танлов эълон қилади:

Кафедра мудири: «Геодезия ва кадастр», «Жисмоний тарбия», «Касбий педагогика».

Профессорлар: Қурилиш материаллари ва кимё, архитектура тарихи ва назарияси, гидротехника иншоотлар, замин ва пойдеворлар.

Доцентлар: Расм, рангасвир ва ҳайкалтарошлик, архитектуравий лойиҳалаш, йиғма темир бетон ишлаб чиқариш, геодезия ва кадастр, инженерлик коммуникацияларини қуриш, лойиҳалаш ва ишлатиш, математика ва табиий фанлар, фалсафа ва ижтимоий-сиёсий фанлар.

Катта ўқитувчилар: Расм, рангасвир ва ҳайкалтарошлик, архитектуравий лойиҳалаш, архитектура муҳитлари дизайни (1), Жисмоний тарбия, геодезия ва кадастр, қурилиш механикаси ва иншоотлар, математика ва табиий фанлар, иқтисод, фалсафа ва ижтимоий-сиёсий фанлар.

Ассистентлар: Расм, рангасвир ва ҳайкалтарошлик, архитектуравий лойиҳалаш, архитектура муҳитлари дизайни, геодезия ва кадастр, ўзбек ва хорижий тиллар.

Кафедра мудири лавозими танловида фан докторлари, профессорлар ёки фан номзодлари, доцентлар иштирок этишлари мумкин.

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун. Танловда иштирок этишни хоҳловчилар Тошкент ш., Навоий кўчаси 13, ходимлар иш юритиш бўлимига ёки Илимий котибга учрашишлари мумкин.

Мурожаат учун телефон: 244-18-78, факс 241-80-00.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

2012/2013 ўқув йили учун қабул муносабати билан жорий йилнинг 30 июнь куни Тошкент автомобиль ва йўллар институтига «Очиқ эшиklar» куни бўлиб ўтади.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

- Туйғулар алдамайди. * * *
- Эл кўрган эл билади. * * *
- Ожиз қуролсиз юрмайди. * * *
- Ташвиш кўпайса, хотира ҳам зўриқади. * * *
- Бировга отган тошинг айланиб келиб ўз бошинга тушади. * * *
- Бировга ёмонлик тилагунча ўзингга омонлик тила. * * *

Ўзига ишонмаган ғойибдан мадад кутади. * * *

Чала иш қўл-оёғингни боғлаб туради. * * *

Яхши одамни кўпинча ўтиб кетганидан кейин пайқашади. * * *

Тушқунлик кишининг қанотини қайиради. * * *

Хоҳлаган шаклга кира оладиган одамлар бор. * * *

Синовлар кучлини тоблайди, ожизни синдиради. * * *

Ҳар ким ўзига мослаб тўн бичади. * * *

Оғири ҳам ўтади, Енгил ҳам келади. * * *

Ақлли киши курашиш учун ҳамisha ўзида куч топади. * * *

Бировни алдаганингга қувонма, сени ҳам алдайдиганлар бор. * * *

Одамларга керак бўлиб яшашдан ортиқ бахт йўқ. * * *

Бировга эмас, ўзингга талабчан бўл. * * *

Аламзадага энг яхши жавоб — сукут. * * *

Отанинг қаддини номуносиб фарзандлар букади. * * *

Омадсизлик йиллар ўтган сари ҳасадга айланиб боради. * * *

Ҳаёт оғирлашган сари одамларнинг дийдаси қаттиқ бўлади. * * *

Бировнинг ҳисобига яшаб бўлмайди. (Давоми бор) Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ЎЗГИДРОПРОМЕТ Ушбу мониторинг хизмати маълумотига кўра, 28 июнда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратди. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фазга кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори наст бўлади.